



Ислом Нури

Светафор қизил. Ҳаммаёқ машина. Намунча узоқ ёнмаса бу қизил чироқ. Агар олди қаторда бўлганимда кутиб ўтирмай қизилни кесиб ўтиб кетардим. Афсуски ҳали светафоргача анча машина бор.

Кутганимда соат миллари ҳам жилмай қолади. Кўзим дам соатда, дам қизил чикроқда. Ярим минут ярим соатдай туюлди. Мана ниҳоят яшил чироқ. Бирдан газни босаман. Биринчи машинани қисиб олдига тушиб олдим. Иккинчиси уриб олишимдан кўрқиб четга чиқиб қўяқолди. Шу аҳволда машиналар уммонини ёриб олға силжийман.

Тезроқ бормасам белгиланган жойдан кеч қоламан. Агар улфатларим кетиб қолишса тамом бўлди, деяверинг. Шунча шошилишим бир пул. Устига-устак бугун борадиган жойимизни аниқ билмайман. Билганим доимий пакка, кейинчи? Ишқилиб кеч қолмайинда!

Шу ўйда учаман. Бир сигнал бериб ҳаммани тўзитсам, бир тормоз босиб йўловчилар ўтакасини ёраман. Ваниҳоят охирги муйилишга ҳам келдим. Шундоқ бурилсам...

Эй воҳ! ҳеч ким йўқ-ку! Наҳотки.. наҳотки шунча шошганим беҳуда кетган бўлса. Йўлни ўртасига тўхтаб қолдим. Қаерга кетишди экан-а? Яна бирор киши кеч қолмадимикин? Қанийди бирор улфат келиб қолса. Ана сигнал босябди.

- Э ўтавермайсанми?! Катта кўча! Бор-э!

Йўловчи машина экан. Мен йўл ўртасидалигимга парво қилмай у билан гап талашинишда давом этаман.

- Хой ўзингга боқ! - дегани кимса йўқ!

Озроқ кутганимдан сўнг улафатчиликдан қуруқ қолганимни тан



Ислом Нури

олдим. Нима ҳам қилардим, демак бугунни ёлғиз ўтказарканман. Буниси ҳам яхши, бугун ёлғиз қизим Соранинг мазаси йўқроқ эди. Ёнида бўлсам онаси хурсанд бўлади. Шундай дея уйга қайтдим.

Йўл-йўлакай видеопрокатга кириб икки-учта филм олдим. Уй эшигини очарканман: қани ойижониси битта чой уйиштириб юборинг!- деб бақирдим. Тўғри телевизор турадиган меҳмонхонага кирдим. Кийимларни ҳам алмаштирмай шундайимча диванга ёнбошладим. Қўлида патнис кўтариб хотиним кириб келди.

- Ваниҳоят, дайдилик жонингизга тегибди-да! Ҳайрият биз билан ҳам ўтираркансиз!

- Шошилма азизам! Ҳозир томошани бошлайман, майли унгача сен ҳам бир хурсанд бўлиб ол!- деб, кўнглимдан ўтказаман узатилган чойни ола туриб.

- Қизинг яхшими?

- Анча яхши, дориларини ичябди.

- Эртага онангникига олиб борсаммикан сизларни? - нима дейсан, дея унга қарадим.

- Яхши бўларди, анча бўлди борганимизга. Шундай соғиниб кетдик уларни!- деди, ич-ичидан хурсанд бўлиб.

- Майли бу эртага, ҳозир яқинроқ ўтир ажойиб кино олиб келдим, мазза қилиб бирга кўрайлик-а!

Шундай деб сакраб турдимү кассеталардан бирини видеога қўйиб



Ислом Нури

ишлатдим. Баланд мусиқа остидада хар хил манзаралар ўта бошлади. Мусиқани эшитмаслик одатини канда қилмай: – Эй Аллоҳим эримга ҳидоят бер! Инсоф бер! Қачонгача шу аҳволда давом этаркин!? Кап-катта киши! Уялмагани-чи!

Ҳар доим шу, озиб-ёзиб бир уйда қолсам албатта кино олиб келиб кўраман. Кино бошланиб, мусиқа эшитилишига мусиқани ҳаром деб билгани учун шу сўзларни айтиб мени холи қолдириб чиқиб кетади. Шуниси ҳам яхши. Ёлғиз кўришни ҳам ўз гашти бор. Шундай дея чойдан хўплаб томошага берилдим. Биринчи касета адоқлади. Иккинчиси ҳам... Учинчисини қўяётганимда тунги учдан ошиб кетганди. Бироз кўрганимдан кейин эшик тутқичи секин кимирлади.

– Эшик тагида пойламай киравер! – бақирдим.

Жавоб ўрнига яна секин эшик тутқичи босилди. Қийинчилик билан қия очилган эшик орқасидан қизим Соранинг боши кўринди, кейин аста кирди. Икки қадам ташлаб тўхтади.

– Оппоқ қизим, яхши бўлиб қолдингми?

– Дада, Аллоҳдан кўрқинг!

– Дада, Аллоҳдан уялсангизчи!

– Қачонгача гуноҳ қилиб юрасиз?!

Бу сўзларни менинг қизим айтябдими? Шу жажжи қиз-а?! Ҳаёл тарқалгунча Сора хондан чиқиб улгирганди.

– Сора, кел қизим! Нима дединг яхши эшитмай қолдим?!.



Ислом Нури

Жавоб бўлмагач орқасидан чиқдим. Онаси қўйнига кириб яна ухлаб қолибди. Ўзи менга гапирганда уйғоқмиди? Меҳмонхонага қайтдим. Филмни келган жойидан давом эттирмақчи эдим. Хонага киришим билан Соранинг сўзлари жаранглагандек бўлди.

- Дада, Аллоҳдан қўрқинг!

- Дада, Аллоҳдан уялсангизчи!

- Қачонгача гуноҳ қилиб юрасиз?!

Эшикка қарайман ҳеч ким йўқ. Филмни кўрмақчи бўламан, йўқ, қизим айтган сўзлар мени жунбушга келтира бошлаганди. Ўтган кунларим - умрим саҳифалари кўз олдимдан ўта бошлади. Ҳар бир қора доғ олдида тўхталарди. Эҳе, ҳаётимнинг ҳаммаёғи қора доғ экан-ку! Ҳар тўхталганда қизимнинг сўзлари қулоғим остида жарангларди: - дада Аллоҳдан қўрқинг!... юракларим эзилиб кетябди. Бутун умрим бўйи шу холда эдимми? Шунча гуноҳлар.. ёлғонлар.. намоз нима.. рўза нима.. улфатлар.. эҳе нимага мен ўзимни бунчалар йўқотиб қўйибман.

- Қачонгача гуноҳ қилиб юрасиз?! ...

- Дада, Аллоҳдан қўрқинг!...

- Дада, Аллоҳдан қўрқинг!...

- Дада...

...

Ассолату хойрум минан навм!



Ислом Нури

Нима? Ким бу? Э, бу азонку! Нима? Азон. Охирги марта қачон қулоғимга кирганди. Эслай олмадим. Демак мен уйқуда эканман-да. Тўғрироғи тирик мурда эканман. Қачондан бери шу аҳволда эканман-а?!

-Дада, Аллоҳдан кўрқинг! ...

Буниси қамчи тушгандек таъсир қилди. Қандай қаддимни ростлаганимни ҳам сезмабман. Таҳорат олиш керак. Масжид яқин эди. Неча йиллардан бери биринчи мартаба таҳорат олябман. Ойнага қарайман юзим ҳўл.. ҳали юзимни ювмадимку! Демак, йиғлабман. Шу ёшлар... Ҳа, қизимнинг сўзлари бир туртки бўлганки қалбимни қоплаб олган доғларни парчалаган. Бу ёшлар энди қалбимдан сизиб чиқмоқчи, ёриб чиқмоқчи. Йиллар давомида гуноҳлар қолдирган доғларни кетказмоқчи. Таҳорат сувлари юзимни ювади, ёшлар эса қалбимни. Икки сув юзимда аралашади. Ёмғир ўлик ерларни тирилтиришга урингандек ёшлар ... таҳорат сувлари .. мени тирилтирарди.

Масжидга секин-аста кириб бораман. Неча йил бўлди бу ерга кирмаганимга?! Икки ракъат намоз ўқидим. Сўнгра ўтган узоқ йилларим хаёлимдан ўта бошлади. Ҳар бекат кўз олдимда қотади. Бунча гуноҳларимни кечирармикансан Эй Роббим!!

Қўлимга қуръон олиб тўғри келган жойидан очиб ўқимоқчи бўламан. Ҳайхот, тилим ҳам келишмябди.

- Мен сенинг Роббинг китоби эдим, мени ташлаб қўйдинг- ку! - дегандек бўларди Қуръон.



Ислом Нури

Ҳижжалаб зўрға ўқиган оятлар маъносини чақаман. **Менинг ўз жонларига** (турли гуноҳ-маъсиятлар қилиш билан) **жиноят қилган бандаларимга айтинг: «Аллоҳнинг раҳмат-марҳаматидан ноумид бўлмангиз! Албатта Аллоҳ (Ўзи хоҳлаган бандаларининг) барча гуноҳларини мағфират қилур. Албатта Унинг Ўзигина мағфиратли, меҳрибондир.**

Кўзим бошқа сатрларга кетади. Ҳаёлим эса ўша оятда. Қайта қайта ўйлайман. Ҳаёлларимни тўзғитиб муаззиннинг ширали такбири янграйди. Биринчи сафдан жой топиб суқилдим. Намозхонларга яқинроқ тураман, «мен бегона эмасман» дегим келади. Жойнамозларга «мен бегона эмасман» дегим келади. Намоз тугаб тасбеҳларни эслаганимча айтдим. Уйга қайтар эканман дарахтлардаги шодон сайраётган қушлар мени қутлаётгандек туюларди. Тун пардасини тўзғитаётган шафақ мен билан саломлашаётгандек бўларди. Ҳаёт қандай гўзал.

Ётоқхона эшигини аста очаман. Залда жойнамоз солинган. Демак, хотиним намоз ўқиш учун уйғонган, ҳали қайта ухлаб улгурмагандир. Йўқ, қизимни эркалагандек қучоғига олиб ухлаб ётарди. Яна қайта секин эшикни тордим.

Нима қиларимни билмай ишга йўл олдим. Бу ҳам одатдан ташқари ҳол эди. Эшик олдидаги посбон ҳайрон қарши оларкан – тинчликми? дея шеригига қараб қўйди. Униси ҳам дарров латифа қилди: – бугун чап ён билан турган кўринади!

– Йўқ адашдингиз ! Бугун ўнг ёним билан турдим. Ҳа бугун! – дея ичимдан ўтказаман.



Ислом Нури

Иш жойимга бориб ўтирдим. Атрофдаги ҳамкасабаларнинг кесатма гапларига парво ҳам қилмадим. Кеча бўлганда кўрсатган бўлардим. Мени аския қилмоқчи бўлган минг пушаймон ейди – ҳа! Лекин бу кеча, бугун эса нима десанг деявер. Менга ҳозир Иброҳим керак. Қачон келаркин. Уни кеч қоладиган одати йўқ эдику!?

Айтганча, мен сизга Иброҳимни таништираман! Иброҳим – менинг ҳамхонам. Бир неча йилдан бери битта хонада ишлаймиз. У намозхон, мултазим инсон. Доим менга насиҳат қилса, мен унинг гапларига жавобан роса аския, мазаҳ қиламан. У эса мийиғида куладида:

– Аллоҳдан ўзингга ҳидоат сўрагин! Сендек ақлли кишига бу юриш ярашмайди. Ҳеч бўлмаса қизингни ўйла. Ахир қизингни яхши кўрасанку. У сендек тарбия олишини истмайсан, тўғрими? – сўрайди у.

Бу суҳбат деярли ҳар куни бор.

Ҳа ана, келиб қолди. Югириб пешвоз чиқдим:

- Бу нимаси, эрта келибсан? Тинчликми?
- Юр ошна, гап бор – уни чойхонага бошлайман.
- Хонада айтавер. Иккимиз холос-ку у ерда.
- Йўқ, бўлмайди, астойдил эшитишинг керак!

Чойхонада ўтган кеча бўлган бор гапни айтиб бердим.

- Бу ҳидоят нури. Уни гуноҳлар билан ўчирма! Мен хурсандман, дейди



Ислом Нури

вазмин овоз билан. Сени тўғри йўлга қайтишингни билардим. Қани энди, юр ишга борайлик!

Қизғин иш куни бошланди. Одамларга ёрдам бериб елиб-югираман. Дам у қоғозни тўлдириш, дам бошлиққа қўл қўйдириш. Эҳе, шунча ишларни ёлғиз Иброҳим қиларканда. Мен аввал келиб, кечасини бедор ўтказганим учун ишда мудраб ўтирардим. Иброҳим менга қараб калласини бир ликкилатардида ўзи иккимиз ўрнимизга ишларни бажарарди. Бугун билдим унга қачалик қийин бўлганини.

Мени елиб-югиришимни кўриб: - Энди дўстим сен уйга боравер кечаси билан ухламабсан, яхшимас, дамингни ол. Қолганини ўзим эплаштираман, деди.

Мени рад жавобини бериб кетаётганимни кўриб кулиб қўшиб қўйди: яна йиқилиб қолмагин!

Шу пайт азон айтилиб қолди. Дарров таҳорат олиб масжидга чопдим. Биринчи сафдан жой олиб суннатни ўқиғач Қурон ўқишга ўтирдим. Намоз тугагач Иброҳимнинг қистови билан уйга жўнадим.

Тақ, тақ, тақ.

- Уйда ким бор?!

Сукунатдан хайрон бўлиб ётоққа кирдим. Хотиним жойда мукка тушиб ётган экан. Мени кирганимни сезиб ўнгланди. Кўзлари ёш. Савол назари билан тикилдим:

- Тинчликми?



Ислом Нури

- Сорадан ажралиб қолдик. Менинг жигарбандим ўлди. Эй Аллоҳим бизга сабр бер!

- Нима!? Қачон?!

Оёқларимда мажол қолмай ерга ўтириб қолдим. Кўз олдим қоронғилашиб, хона аста секин, кейин тезлашиб кўз олдимда айлана бошлади. Ўзимни қўлга олдим.

- Инна-а лиллаҳи ва инна-а илийҳи рожиуун!

Соранинг хонасига ўтдим. Жойида ҳудди ухлаб ётгандек эди.

- Сора!

- Индамайди.

- Бориб қимирлатиб кўрдим. Йўқ, ишонмайман. Бадани совуқ, лекин юзидаги кулгиси...

- Инна-а лиллаҳи ва инна-а илийҳи рожиуун!

- Иброҳим, дўстим, тез етиб кел! Бошимга мусибат тушди. Қизалоғим Сора оламдан ўтибди. Тез кел!

Иброҳим етиб келганда қўшни хонада хотиним маҳалладаги бир икки солиҳа аёллар билан қизимни ювишиб кафанлашаётганди.

- Аллоҳ сабр берсин! Ҳамма нарса Аллоҳдан. Сабр қилсак улуғ ажрлар беради! Бу дунё имтиҳон дунёси! Истиқоматда қолсанг қизинг сени қиёматда шафоат қилади!



Ислом Нури

Шу вақт хотиним чақириб қолди:

- Биз бўлдик. Киринг - деди.

Гўё кириг, суюкли қизалоғизнгиз билан видолашиб олинг дегандек бўлди. Қизимни ўз жойига ётқизиб қўйишибди. Кўрсангиз бир марварид донаси дейсиз! Оппоқ, юзларидан нур таралади. Юзларидан ўпаман. Лабларини қаранг. Ҳа шу лаблардан чиққан сўзлар мени уйғотди... Жаноза ўқиш учун масжидга жўнадик. Жаноза ўқиб бўлингач яқиндаги қабристонга бордик.

Юраман, йўл ниҳоясини кўришни истамаётгандек ойиқларим ортга тортади... Ёшларимни тия оламайман. Мана тайёрланган жойга етиб келдик. Қабр тепасида туриб қолдим. Шунда Иброҳим елкамга қўлини қўйиб:

- Бардам бўл! Бу жой - ҳаммамизнинг келар жойимиз. Бундан қочиш йўқ. Энди бундан бу ёғига шу ерни обод қилиш билан овора бўл!

Иброҳим мендан қизимни олиб, чуқурга тушишимни сўради. Унинг сўзларига сўзсиз итоат қилдим. Иброҳимнинг қўлидан оларканман бу охирги кўтаришим эканини ич-ичимдан хис қилдим. Юзини очиб ўпдим. Оппоқ, юзларидан нур таралади. Лабларини қаранг. Ҳа шу лаблардан чиққан сўзлар мени уйғотди.

- Дада, Аллоҳдан кўрқинг!...

- Раҳмат сенга қизалоғим. Сен мени уйғотдинг. Йўқ, йўқ, сен мени тирилтириб кетдинг. Энди доим сергак бўламан. Сен билан Аллоҳ насиб қилса Жаннатда кўришамиз! Бисмиллаҳ! Ала миллати Расулиллаҳ!



Ўнг ёнбошига ётқизиб гувалаларни чиройли қилиб тердим, лаҳад оғзини беркитдим. Сўнг мени чуқурдан тортиб чиқаришди. Атрофда чанг кўтарилди. Одамлар қабрга туроқ ташлашарди. Мен эса ўзимни йўқотгандим.